**Иккиламчи даромадлар** резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги жорий трансфертларни кўрсатади. Трансфертлар деганда товар, хизмат, молиявий ёки бошқа актив эвазига иқтисодий қийматга эга бўлган бошқа объектни олмаган ҳолда тақдим этиш бўйича операциялар тушунилади.

**Капитал операциялар ҳисоби** резидентлар ва норезидентлар ўртасида қабул қилиниши ва тўланиши назарда тутилган капитал трансфертларни ҳамда ишлаб чиқарилмаган номолиявий активлар сотиб олиниши ва сотилишини кўрсатади.

Ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларга табиий ресурслар, шартномалар, иқтисодий актив деб қабул қилинадиган ижара шартномалари ва лицензиялар, шунингдек маркетинг активларига бўлган ҳуқуқлар киради. Ўз навбатида, капитал трансфертларга капитал активларни ўтказиш, қарздан воз кечиш ва бошқа операциялар киради.

Капитал билан боғлиқ операциялар Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва тижорат банкларининг маълумотлари асосида ҳисобланди.

**Молиявий ҳисоб** Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари ўртасидаги молиявий активлар ва мажбуриятлар билан боғлиқ операцияларни акс эттириб, улар жумласига кредитларни олиш ва сўндириш, қимматли қоғозлар савдоси, инвестиция фаолиятини амалга ошириш ва бошқалар (савдо кредитлари, суғурта, пенсия ва стандарт гарантиялар дастурлари, бошқа дебитор ва кредитор қарздорлик) киради.

Аввалги ҳисоблардан фарқли ўлароқ, молиявий ҳисобда операциялар дебет ва кредит бўйича иккиёқлама ёзув тамойили асосида эмас, балки актив ва мажбуриятларга бўлинган ҳолда акс эттирилади.

Молиявий ҳисоб бўйича операциялар Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, тижорат банклари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг маълумотлари асосида ХВЖ стандартларига мувофиқ ва эксперт баҳолаш орқали ҳисобланган.

**Инвестициялар** – фойда олиш мақсадида иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритилган пул маблағлари, қимматли қоғозлар, бошқа турдаги мулк, шунингдек пул қийматига эга бўлган мулкдорлик ҳуқуқи ва бошқа турдаги ҳуқуқлар.

**Захира активлар** пул-кредитни тартибга солувчи органларнинг норезидентларга бўлган алоҳида талабларини ўз ичига олади ҳамда улар чет эл валютасидаги актив бўлиши ва ҳақиқатда мавжуд бўлиши лозим. Захира активларда фақатгина юқори ликвидликка ва сифатга эга активлар ҳисобга олинади.

**Соф хатолар ва йўқотишлар** – тўлов балансини тузишда турли хил манбалар маълумотларини бирлаштирган ҳолда тўлов баланси компонентларини алоҳида баҳолаш натижасида унинг ҳисобларида юзага келиши мумкин бўлган номутаносибликлар.

### 1.5-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг халқаро инвестиция позицияси

**Халқаро инвестиция позицияси** муайян давр боши ва охирига активлар (резидентларнинг норезидентларга талаблари) ва мажбуриятларни (норезидентларнинг резидентларга талаблари) акс эттиради.

Активлар ва мажбуриятлар тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар, ҳосила молиявий инструментлар, мамлакат захира активлари ва бошқа инвестициялардан ташкил топади.

Активлар ва мажбуриятлар қолдигининг муайян давр боши ва охиридаги мутаносиблиги тўлов балансининг молиявий ҳисобида акс этган операциялар ҳисобига таъминланади. Бунда валюта курслари, активлар қиймати ва молиявий ҳисобда акс этмаган бошқа операциялар қийматининг ўзгариши натижасида юзага келган ўзгаришлар инобатга олинади.

Халқаро инвестиция позициясининг тузилиши ХВЖнинг “Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича қўлланма”сининг олтинчи нашрига (ТБК 6, 2009 й.) мувофиқ ягона халқаро методология асосида амалга оширилади.

### 1.6-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг ялпи ташқи қарзи

Ташқи қарз келгусида муайян вақтда (вақтларда) фоизлар ва/ёки асосий қарз бўйича тўлов(лар) амалга оширилишини талаб қиладиган, резидентларнинг норезидентлар олдидаги ҳақиқий (шартли бўлмаган) жорий мажбуриятларининг сўндирилмаган суммасини ифодалайди.

Ташқи қарзга киритилувчи мажбуриятлар ҳақиқатда мавжуд ва сўндирилмаган бўлиши керак. Бунда қарз берувчининг қарздорга бўлган талаби ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Қарз мажбуриятлари одатда тўлов муддати ва шартлари кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилган келишув шартномаси асосида иқтисодий қимматликлар, яъни активлар (молиявий ва номолиявий активлар, шу жумладан товарлар), хизматлар ва/ёки даромадни тақдим этиш натижасида вужудга келади.

Қарз мажбуриятлари қонун асосида ва/ёки келгусида трансферт тўловлари амалга оширилишини талаб қилувчи ҳолатлар натижасида ҳам юзага келиши мумкин. Қарз мажбуриятлари, шунингдек асосий қарз ва фоизлар бўйича муддати ўтган тўловларни ўз ичига олади. Келгусида иқтисодий қимматликлар тақдим этилишини назарда тутувчи мажбуриятлар, товарларга бўлган эгалик ҳуқуқларининг ўтказилиши, хизматлар кўрсатилиши ёки даромадлар ҳисобланиши амалга оширилгунга қадар, қарздорликни вужудга келтирмайди. Мисол учун, қарз ёки экспорт кредити шартномасига мувофиқ тақдим этилиши лозим бўлган маблағлар ташқи қарзга киритилмайди.

Қарздорнинг қарз берувчи олдидаги қарздорлик суммаси асосий қарз суммаси ҳисобланади. Қарз берувчи томонидан иқтисодий қимматликларнинг тақдим этилиши ёки бошқа йўллар орқали қарз мажбуриятларининг вужудга келтирилиши қарздорнинг асосий сумма бўйича мажбуриятларининг юзага келишига олиб келади ҳамда ушбу қарздорликнинг миқдори унинг суммаси тўлиқ сўндирилгунга қадар ўзгариб туриши мумкин. Асосий суммадан фойдаланганлик учун қарз инструментлари бўйича фоизлар ҳисобланади (ёки ҳисобланиши мумкин). Ушбу харажатлар қарздор томонидан даврий равишда тўлаб борилган тақдирда, улар фоизларни тўлаш деб қаралади. Асосий қарзнинг сўндирилмаган суммасининг камайишига олиб келадиган ва қарздор томонидан қарз берувчи фойдасига амалга ошириладиган бошқа барча тўловлар асосий қарз бўйича тўловлар дейилади.

2020 йилдан бошлаб ялпи ташқи қарз бўйича жадал ХВЖ маълумотларни тарқатиш махсус стандартига ўтиш доирасида ташқи қарз статистикаси бўйича қўлланмага (ХВЖ, 2013) мувофиқ тайёрланган.

Қуйдагилар бўйича маълумотлар тақдим қилинади:

- а) секторлар: Давлат бошқаруви сектори; Марказий банк; Тижорат банклари; Бошқа секторлар;
- б) бошланғич муддат: қисқа ва узоқ муддатли
- в) воситалар: нақд валюта ва депозитлар; қарз қимматли қоғозлари; ссуда ва қарзлар; савдо кредитлари ва бўнақлар; бошқа қарз мажбуриятлари;

Қимматли қоғозлар бозор нарҳида акс эттирилади, шунингдек, тўлов фоизларни ҳисобга олган ҳолда, номинал қиймат бўйича меморандум тақдим этилади.

Гуруҳ ичидаги молиялаштириш (бош компанияларнинг кредитлари) алоҳида қаторда кўрсатилади.

### 1.7-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари

ХВЖнинг “Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича қўлланма”сининг олтинчи нашри (ТБҚ 6, 2009 й.) ва “Халқаро резервлар ва чет эл валютасидаги ликвидлик. Маълумотларни тақдим этиш шакли: асосий тамойиллар” (2013 й.) халқаро захиралар бўйича статистик маълумотларни тайёрлашда услубий асос бўлиб хизмат қилади.

ХВЖнинг мазкур услубий нашрларига мувофиқ, тўлов баланси дефицитини молиялаштиришдаги эҳтиёжларни қондириш, валюта алмашув курсига таъсир кўрсатиш учун валюта бозорларида интервенцияни амалга ошириш ва бошқа шу каби мақсадларда (миллий валюта ва иқтисодийга бўлган ишонччи таъминлаш ҳамда ташқи қарзлар учун асос бўлиб хизмат қилиш кабилар) пул-кредитни тартибга солувчи органларнинг эркин тасарруфида бўлган ва улар томонидан назорат қилинадиган ташқи активлар халқаро захиралар (захира активлар) бўлиб ҳисобланади.

**Захира активлар** – 1.4-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

Захира активлар монетар олтин, махсус қарз олиш ҳуқуқлари (СДР), ХВЖдаги захира позицияси ва чет эл валютасидаги бошқа захира активлардан ташкил топади.

Маълумотлар ҳисобот даврининг охири кунида амал қилган Марказий банк томонидан ўрнатиладиган чет эл валюталарининг расмий алмашув курслари, ХВЖнинг расмий сайтида эълон қилинадиган СДРнинг алмашув курси ва Лондон қимматбаҳо металллар биржасининг олтин бўйича эрталабки фиксинг нархи асосида миллион АҚШ доллари эквивалентида тақдим этилади.

Маълумотларни тақдим этиш шаклининг **“Қимматли қоғозлар”** бўлимида юқори ликвидликка эга ҳамда бозорда сотиладиган капиталда иштирокни таъминловчи ва қарз қимматли қоғозлар акс эттирилади. Мазкур бўлимда фақатгина норезидентлар томонидан чиқарилган чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ҳисобга олинади.

**Депозитлар** талабга кўра ишлатилиши мумкин бўлган депозитларни ўз ичига олади. Ликвидлик нуқтаи назаридан мазкур депозитларга одатда талаб қилиб олинганча сақланадиган депозитлар ҳамда талабга кўра ёки жуда қисқа муддатда депозитнинг қийматига таъсир қилмасдан қайтариладиган муддатли депозитлар киритилади. Захира активлар хорижий марказий банклар, Халқаро ҳисоб-китоблар банки ва бошқа норезидент банкларда жойлаштирилган депозитларни ўз ичига олади. Захира активлар таркибидаги депозитлар бўйича кўрсаткичларда, қоидага кўра, пул-кредитни тартибга солувчи органлар томонидан норезидент банкларга берилган ва талабга кўра қайтариладиган чет эл валютасидаги қисқа муддатли кредитлар ҳам ҳисобга олинади.

**Нақд валютадаги маблағлар** “Нақд валюта ва депозитларнинг жами миқдори” бўлимида акс эттирилиб, нақд валюта тўловларини амалга оширишда фойдаланиладиган муомаладаги хорижий давлатлар банкнотлари ва тангаларини ўз ичига олади.

**ХВЖдаги захира позицияси** ўзида биринчидан, ХВЖни хабардор қилиш орқали ундан олинishi мумкин бўлган чет эл валютаси, яъни “захира транши”ни, иккинчидан, ХВЖга аъзо давлат томонидан исталган вақтда фойдаланилиши мумкин бўлган, “Умумий ресурслар ҳисобварағида” акс эттирилувчи ХВЖнинг аъзо давлат олдидаги ҳар қандай қарздорлигини, шу жумладан “Қарзлар тўғрисида бош битим” ва “Қарзлар тўғрисида янги битим” доирасида ҳисобот тақдим этувчи мамлакат томонидан ХВЖга берилган кредитларни акс эттиради. ХВЖга бўлган СДРдаги талаблар, ўз навбатида, чет эл валютасидаги талаблар бўлиб ҳисобланади.

**СДР (Махсус қарз олиш ҳуқуқлари)** ХВЖга аъзо давлатлар захираларини тўлдириш мақсадида ХВЖ томонидан чиқарилган халқаро захира актив бўлиб, у мамлакатларнинг ташкилотдаги улушига мутаносиб равишда тақсимланади. СДР бошқа ХВЖга аъзо давлатлардан чет эл валютаси ёки бошқа захира активларни ортиқча шартларсиз олиш ҳуқуқини беради.

**“Олтин”** бўлимида расмий ташкилотларга тегишли олтин акс эттирилиб, у олтин қуймалари ва олтинни етказиб беришни талаб қилиш ҳуқуқини берувчи норезидентлар билан бўлган олтин ҳисобварақларидаги қолдиқларни ўз ичига олади. Олтин қуймалари камида 995-пробага эга бўлган танга, қуйма ёки бўлақлар шаклида бўлади ва жавобгарлик остида сақлашдаги олтин ҳисобварақлари қолдиқларини ҳам ўз ичига олади. Мазкур бўлимда пул-кредитни тартибга солувчи органлар томонидан захира актив сифатида сақланадиган олтин ҳисобга олинади.

**Бошқа захира активлар** захира активларнинг бошқа категориясига киритилмаган, пул-кредитни тартибга солувчи органлар томонидан эркин ишлатиладиган ликвид активларни ўз ичига олади.

**Чет эл валютасидаги бошқа активлар** захира активларда ҳисобга олинмаган пул-кредитни тартибга солувчи органларнинг чет эл валютасидаги ликвид активларини ўз ичига олади. Пул-кредитни тартибга солувчи органларнинг резидентларга бўлган чет эл валютасидаги талаблари чет эл валютасидаги бошқа активларга мисол бўла олади.

## II бўлим. Пул-кредит кўрсаткичлари

Мазкур бўлимдаги Марказий банк шарҳи, Бошқа депозит ташкилотлари (тижорат банклари) шарҳи, Депозит ташкилотлари (банк тизими) шарҳи ҳамда пул агрегатларига оид маълумотлар Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) янгиланган таҳрирдаги “Пул-кредит ва молиявий статистикани шакллантириш кўлланмаси”да белгиланган тушунчалар, шакллар ва таснифлардан фойдаланган ҳолда стандарт ҳисобот шакллари асосида тузилади.

## 2.1-жадвал. Марказий банк шарҳи

Марказий банк шарҳи Марказий банкнинг бухгалтерия баланси ҳисоботи асосида ойлик равишда шакллантирилади. Марказий банк шарҳи қуйидаги асосий таркибий қисмлардан иборат.

**Соф ташқи активлар** - Марказий банкнинг жами ташқи активлари (норезидентларга бўлган талаблари ва монетар олтин) ҳамда Марказий банкнинг жами ташқи мажбуриятлари (норезидентлар олдидаги мажбуриятлари) орасидаги фаркни ифодалайди.

**Монетар олтин** – Марказий банк томонидан захира актив сифатида сақланадиган халқаро стандартларга мос келувчи олтин.

**Норезидентларга бўлган талаблар** – Марказий банк кассасидаги нақд чет эл валюта, норезидент банкларда очилган вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек ХВЖдаги махсус қарз олиш ҳуқуқлари ва захира позицияси акс эттирилади.

**Норезидентлар олдидаги мажбуриятлар** – Марказий банк томонидан норезидентлардан жалб қилинган депозитлар ва кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек ХВЖ томонидан тақсимлаб берилган махсус қарз олиш ҳуқуқларини ифодалайди.

**Бошқа депозит ташкилотларга бўлган талаблар** – Марказий банк томонидан тижорат банкларига ажратилган кредитлар ҳамда мазкур ташкилотларда очилган вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлар акс эттирилади.

**Марказий ҳукуматга бўлган соф талаблар** – Марказий банкнинг Марказий ҳукуматга бўлган талаблари ҳамда мажбуриятлари орасидаги фаркни акс эттиради.

**Марказий ҳукуматга бўлган талаблар** – Марказий ҳукумат томонидан чиқарилган Марказий банк тасарруфидаги қимматли қоғозларни ифодалайди.

**Марказий ҳукумат олдидаги мажбуриятлар** – Марказий ҳукуматнинг Марказий банкдаги депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар акс эттирилади.

**Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари** – Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг Марказий банк ҳисобварақларидаги маблағларини ифодалайди.

**Бошқа секторларга бўлган талаблар** – Марказий банкнинг бошқа молиявий ташкилотларга, маҳаллий давлат ташкилотларига, номолиявий давлат ташкилотларига ҳамда хусусий секторга бўлган талабларини ўз ичига олади.

**Бошқа молиявий ташкилотларга бўлган талаблар** – Марказий банк томонидан бошқа молиявий ташкилотларга ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, бошқа молиявий ташкилотлар томонидан чиқарилган ҳамда Марказий банк тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

**Маҳаллий давлат ташкилотларига бўлган талаблар** – Марказий банк томонидан маҳаллий давлат ташкилотларига ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

**Номолиявий давлат ташкилотларига бўлган талаблар** – Марказий банк томонидан номолиявий давлат ташкилотларига ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, шунингдек Марказий банк тасарруфидаги корхона ва ташкилотларга киритилган инвестиция маблағлари акс эттирилади.

**Хусусий секторга бўлган талаблар** – Марказий банк томонидан хусусий секторга (бошқа номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлар ва бошқалар) ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, хусусий сектор томонидан чиқарилган ҳамда Марказий банк тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

**Пул базаси** – Марказий банкдан ташқаридаги нақд пулларни, Марказий банкнинг бошқа депозит ташкилотлари ҳамда бошқа секторлар олдидаги мажбуриятларини ўз ичига олади.

**Марказий банкдан ташқаридаги нақд пуллар** – Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган нақд пуллар акс эттирилади ва бунда Марказий банк кассасидаги миллий валютадаги нақд пуллар ҳисобга олинмайди.

**Бошқа депозит ташкилотлари олдидаги мажбуриятлар** – тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳамда мажбурий захира ҳисобварақларидаги маблағларнинг қолдиқлари йиғиндисини ифодалайди.

**Мажбурий захиралар** – тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий захира ҳисобварақларидаги маблағлари акс эттирилади.

**Вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар** – тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлари акс эттирилади.

**Бошқа секторлар олдидаги мажбуриятлар** – бошқа секторларнинг кенг маънодаги пул массаси таркибига киритилмайдиган Марказий банкдаги депозит ҳисобварақларидаги маблағлари акс эттирилади.

**Бошқа депозит ташкилотлари олдидаги бошқа мажбуриятлар** – тижорат банкларининг пул базаси таркибига киритилмайдиган Марказий банкдаги депозит ҳисобварақларидаги маблағлари ҳамда тижорат банклари тасарруфидаги Марказий банк облигациялари акс эттирилади.

**Пул базаси таркибига киритилмайдиган депозитлар ва қимматли қоғозлар** – бошқа секторларнинг пул массаси таркибига киритилмайдиган Марказий банкдаги депозит ҳисобварақларидаги маблағлари акс эттирилади. Шунингдек, Марказий банк томонидан чиқарилган ҳамда бошқа секторлар тасарруфидаги қимматли қоғозлар ифодаланани.

**Кредитлар** – Марказий банк томонидан бошқа секторлардан жалб қилинган кредит маблағлари акс эттирилади.

**Молиявий ҳосилавий инструментлар** – форвард шартномалари, шунингдек опцион ва фьючерслар ревальвацияси натижасида ҳамда своплар бўйича ҳисобланмаган зарарлар ёки кечиктирилган даромадлар акс эттирилади.

**Акциялар ва капиталдаги иштирокнинг бошқа шакллари** – Марказий банкнинг устав ва резерв капитали, девальвация захираси ҳамда тақсимланмаган фойдасини ўз ичига олади.

**Бошқа бўлимлар, соф** – таснифланмаган активлар ва пасивлар орасидаги фарқ.

## 2.2-жадвал. Бошқа депозит ташкилотлари (тижорат банклари) шарҳи

Бошқа депозит ташкилотлари шарҳи тижорат банкларининг жамланма бухгалтерия баланси ҳисоботлари асосида ойлик равишда шакллантирилади. Бошқа депозит ташкилотлари шарҳи қуйидаги асосий таркибий қисмлардан иборат.

**Соф ташқи активлар** – тижорат банкларининг жами ташқи активлари (норезидентларга бўлган талаблари) ҳамда жами ташқи мажбуриятлари (норезидентлар олдидаги мажбуриятлари) орасидаги фарқни ифодалайди.

**Норезидентларга бўлган талаблар** – тижорат банклари кассаларидаги нақд чет эл валютаси, норезидент банкларда очилган вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек норезидентларга ажратилган кредитлар, киритилган инвестициялар ҳамда бўнак (аванс) тўловлари акс эттирилади.

**Норезидентлар олдидаги мажбуриятлар** – тижорат банклари томонидан норезидентлардан жалб қилинган депозитлар ва кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек субординар қарзларни ифодалайди.

**Марказий банкка бўлган талаблар** – миллий валютадаги нақд пулларни, захира депозитлари ва қимматли қоғозларни (акциялардан ташқари) ҳамда Марказий банкка бўлган бошқа талабларни ўз ичига олади.

**Миллий валютадаги нақд пуллар** – тижорат банклари кассаларидаги миллий валютадаги нақд пулларни англатади.

**Захира депозитлари ва қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари)** – тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ва мажбурий захира ҳисобварақларидаги, шунингдек пул базаси таркибига киритилмайдиган депозит ҳисобварақларидаги маблағларни ўз ичига олади.

**Марказий банкка бўлган бошқа талаблар** – тижорат банклари тасарруфидаги пул базаси таркибига киритилмайдиган Марказий банк облигациялари акс эттирилади.

**Марказий ҳукуматга бўлган соф талаблар** – тижорат банкларининг Марказий ҳукуматга бўлган талаблари ҳамда Марказий ҳукумат олдидаги мажбуриятлари орасидаги фарқни акс эттиради.

**Марказий ҳукуматга бўлган талаблар** – тижорат банклари томонидан Марказий ҳукуматга ажратилган кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек Марказий ҳукумат томонидан чиқарилган ҳамда тижорат банклари тасарруфидаги қимматли қоғозларни ифодалайди.

**Марказий ҳукумат олдидаги мажбуриятлар** – Марказий ҳукуматнинг тижорат банкларидаги талаб қилиб олинганча, жамғарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда Марказий ҳукуматдан жалб қилинган кредитлар, шунингдек уларга ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

**Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари** – тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан жалб қилинган депозитлар ва кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ифодалайди.

**Бошқа секторларга бўлган талаблар** – тижорат банкларининг бошқа молиявий ташкилотларга, маҳаллий давлат ташкилотларига, номолиявий давлат ташкилотларига ҳамда хусусий секторга бўлган талабларни ўз ичига олади.

**Бошқа молиявий ташкилотларга бўлган талаблар** – тижорат банклар томонидан бошқа молиявий ташкилотларга ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, бошқа молиявий ташкилотлар томонидан чиқарилган ҳамда тижорат банклари тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

**Маҳаллий давлат ташкилотларига бўлган талаблар** – тижорат банклари томонидан маҳаллий давлат ташкилотларига ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

**Номолиявий давлат ташкилотларига бўлган талаблар** – тижорат банклари томонидан номолиявий давлат ташкилотларига ажратилган кредит ва лизинглар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, киритилган инвестициялар ҳамда амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлар, шунингдек номолиявий давлат ташкилотлари томонидан чиқарилган ҳамда тижорат банклар тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

**Хусусий секторга бўлган талаблар** – тижорат банклари томонидан хусусий секторга (бошқа номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлар ва бошқалар) ажратилган кредит ва лизинглар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, киритилган инвестициялар ҳамда амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлар, шунингдек хусусий сектор томонидан чиқарилган ҳамда тижорат банклар тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

**Марказий банк олдидаги мажбуриятлар** – тижорат банкларидаги Марказий банкнинг вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлар, шунингдек тижорат банклари томонидан Марказий банкдан жалб қилинган кредитларни ифодалайди.

**Кенг маънодаги пул массаси таркибига киритиладиган талаб қилиб олинганча депозитлар** – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг тижорат банкларидаги талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

**Кенг маънодаги пул массаси таркибига киритиладиган бошқа депозитлар** – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг жамғарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

**Кенг маънодаги пул массаси таркибига киритиладиган қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари)** – тижорат банклари томонидан чиқарилган ҳамда бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий сектор тасарруфидаги жамғарма ва муддатли депозит сертификатлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар ифодаланади.

**Кенг маънодаги пул массаси таркибига киритилмайдиган депозитлар** – маҳаллий давлат ташкилотларининг тижорат банкларидаги талаб қилиб олинганча, жамғарма ҳамда муддатли депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

**Кенг маънодаги пул массаси таркибига киритилмайдиган қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари)** – тижорат банклари томонидан чиқарилган ҳамда давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий сектор тасарруфидаги облигациялар ифодаланади.

**Кредитлар** – тижорат банклари томонидан бошқа секторлардан жалб қилинган кредит маблағлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизлари йиғиндисини акс эттиради.

**Молиявий ҳосилавий инструментлар** – форвард шартномалари, шунингдек опцион ва фючерслар ревальвацияси натижасида ҳамда своплар бўйича ҳисобланмаган зарарлар ёки кечиктирилган даромадлар акс этирилади.

**Сугурта техник захиралар** – фуқароларнинг Акциядорлик тижорат Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган нафақа маблағлари йиғиндисини акс эттиради.

**Акциялар ва капиталдаги иштирокнинг бошқа шакллари** – тижорат банкларининг устав, қўшилган ва резерв капитали, девальвация захираси ҳамда тақсимланмаган фойдасини ўз ичига олади.

**Бошқа бўлимлар, соф** – таснифланмаган активлар ва пассивлар орасидаги фарк.

### 2.3-жадвал. Депозит ташкилотлари (Банк тизими) шарҳи

Депозит ташкилотлари (Банк тизими) шарҳи “Марказий банк шарҳи” ва “Бошқа депозит ташкилотлари шарҳи” жадвалларидаги маълумотларни консолидация (умумлаштириш) қилиш асосида ойлик равишда шакллантирилади. Консолидация (умумлаштириш) қилиш Марказий банк ва тижорат банклари орасидаги ўзаро талабларни ва мажбуриятларни чегириб ташлаш ҳамда уларнинг иқтисодиётнинг бошқа секторлари ва норезидентлар билан операцияларини жамлаш орқали амалга оширилади. Депозит ташкилотлари шарҳи қуйидаги асосий таркибий қисмлардан иборат.

**Соф ташқи активлар** – депозит ташкилотларининг жами ташқи активлари (норезидентларга бўлган талаблари ва монетар олтин) ҳамда жами ташқи мажбуриятлари (норезидентлар олдидаги мажбуриятлари) орасидаги фарқни ифодалайди.

**Монетар олтин** – халқаро стандартларга мос келувчи олтин.

**Норезидентларга бўлган талаблар** – депозит ташкилотларининг кассаларидаги нақд чет эл валютаси, норезидент банкларда очилган вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, норезидентларга ажратилган кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, киритилган инвестициялар ҳамда бўнак (аванс) тўловларини ўз ичига олади. Шунингдек, ХВЖдаги махсус қарз олиш ҳуқуқлари ва захира позицияси акс этирилади.

**Норезидентлар олдидаги мажбуриятлар** – депозит ташкилотлари томонидан норезидентлардан жалб қилинган депозитлар ва кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек субординар қарзлар ҳамда ХВЖ томонидан тақсимлаб берилган махсус қарз олиш ҳуқуқларини ифодалайди.

**Ички талаблар** – депозит ташкилотларининг Марказий ҳукуматга бўлган соф талаблари ҳамда бошқа секторларга бўлган талаблари йиғиндисини ифодалайди.

**Марказий ҳукуматга бўлган соф талаблар** – депозит ташкилотларининг Марказий ҳукуматга бўлган талаблари ҳамда Марказий ҳукумат олдидаги мажбуриятлари орасидаги фарқни акс эттиради.

**Марказий ҳукуматга бўлган талаблар** – депозит ташкилотлари томонидан Марказий ҳукуматга ажратилган кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек Марказий ҳукумат томонидан чиқарилган ҳамда депозит ташкилотлари тасарруфидаги қимматли қоғозларни ўз ичига олади.

**Марказий ҳукумат олдидаги мажбуриятлар** – Марказий ҳукуматнинг депозит ташкилотларидаги депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ва Марказий ҳукуматдан жалб қилинган кредитлар, шунингдек уларга ҳисобланган фоизлар акс этирилади.

**Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари** – Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан депозит ташкилотлари ҳисобварақларида жойлаштирилган маблағлар ҳамда ажратилган кредитлар, шунингдек уларга ҳисобланган фоизларни ифодалайди.



**Бошқа секторларга бўлган талаблар** – депозит ташкилотларининг бошқа молиявий ташкилотларга, маҳаллий давлат ташкилотларига, номолиявий давлат ташкилотларига ҳамда хусусий секторга бўлган талабларини ўз ичига олади.

**Бошқа молиявий ташкилотларга бўлган талаблар** – депозит ташкилотлари томонидан бошқа молиявий ташкилотларга ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, бошқа молиявий ташкилотлар томонидан чиқарилган ҳамда депозит ташкилотлар тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

**Маҳаллий давлат ташкилотларига бўлган талаблар** – депозит ташкилотлари томонидан маҳаллий давлат ташкилотларига ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

**Номолиявий давлат ташкилотларига бўлган талаблар** – депозит ташкилотлари томонидан номолиявий давлат ташкилотларига ажратилган кредит ва лизинглар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, киритилган инвестициялар ҳамда амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, шунингдек номолиявий давлат ташкилотлари томонидан чиқарилган ҳамда депозит ташкилотлар тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

**Хусусий секторга бўлган талаблар** – депозит ташкилотлари томонидан хусусий секторга (бошқа номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлар ва бошқалар) ажратилган кредит ва лизинглар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, киритилган инвестициялар ҳамда амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, шунингдек хусусий сектор томонидан чиқарилган ҳамда депозит ташкилотлар тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий талаблар акс эттирилади.

**Кенг маънодаги пул массаси** – муомаладаги (банк тизимидан ташқаридаги) нақд пуллар, талаб қилиб олингунча ва бошқа депозитлар, шунингдек қимматли қоғозларни (акциялардан ташқари) ўз ичига олади.

**Муомаладаги (банк тизимидан ташқаридаги) нақд пуллар** – Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган барча нақд пуллар бўлиб, бунда Марказий банк ҳамда тижорат банклари кассаларидаги миллий валютадаги нақд пуллар ҳисобга олинмайди.

**Талаб қилиб олингунча депозитлар** – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг депозит ташкилотларидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

**Бошқа депозитлар** – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг депозит ташкилотларидаги жамғарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

**Қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари)** – депозит ташкилотлари томонидан чиқарилган ҳамда бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий сектор тасарруфидаги жамғарма ва муддатли депозит сертификатлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ифодалайди.

**Пул массаси таркибига киритилмайдиган депозитлар** – маҳаллий давлат ташкилотларининг тижорат банкларидаги талаб қилиб олингунча, жамғарма ҳамда муддатли депозит ҳисобварақларидаги маблағларни ўз ичига олади.

**Пул массаси таркибига киритилмайдиган қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари)** – депозит ташкилотлари томонидан чиқарилган ҳамда бошқа секторлар эгалик қилувчи облигацияларни ифодалайди.

**Кредитлар** – депозит ташкилотлари томонидан бошқа секторлардан жалб қилинган кредит маблағлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни акс эттиради.

**Молиявий ҳосилавий инструментлар** – форвард шартномалари, шунингдек опцион ва фьючерслар ревальвацияси натижасида ҳамда своплар бўйича ҳисобланмаган зарарлар ёки кечиктирилган даромадлар акс эттирилади.

**Суғурга техник захиралар** – фуқароларнинг Акциядорлик тижорат Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган нафақа маблағлари йиғиндисини акс эттиради.

**Акциялар ва капиталдаги иштирокнинг бошқа шакллари** – депозит ташкилотларининг устав, қўшилган ва резерв капитали, девальвация захираси ҳамда тақсимланмаган фойдасини ўз ичига олади.

**Бошқа бўлимлар, соф** – таснифланмаган активлар ва пассивлар орасидаги фарк.

#### 2.4-жадвал. Пул агрегатлари

Пул агрегатлари Марказий банк бухгалтерия баланси ҳисоботи ҳамда тижорат банклари жамланма бухгалтерия баланси ҳисоботлари асосида ойлик равишда шакллантирилади. Пул агрегатлари куйидаги асосий таркибий қисмлардан иборат

**Кенг маънодаги пул массаси (M2)** – миллий валютадаги пул массаси ҳамда чет эл валютасидаги депозитлардан иборат.

**Миллий валютадаги пул массаси** – тор маънодаги пул массаси (M1) ҳамда миллий валютадаги бошқа депозитларни ўз ичига олади.

**Тор маънодаги пул массаси (M1)** – муомаладаги нақд пуллар ва миллий валютадаги талаб қилиб олингунча депозитларни ифодалайди.

**Муомаладаги нақд пуллар (M0)** – Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган нақд пуллар бўлиб, бунда Марказий банк ҳамда тижорат банклари кассаларидаги миллий валютадаги нақд пуллар ҳисобга олинмайди.

**Миллий валютадаги талаб қилиб олингунча депозитлар** – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг (бошқа номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлар ва бошқалар) депозит ташкилотларидаги миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларини ўз ичига олади.

**Миллий валютадаги бошқа депозитлар** – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг (бошқа номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлар ва бошқалар) депозит ташкилотларидаги миллий валютада жамғарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ифодалайди.

**Чет эл валютасидаги депозитлар** – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг (бошқа номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлар ва бошқалар) депозит ташкилотларидаги чет эл валютасида талаб қилиб олингунча, жамғарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ифодалайди.

### III бўлим. Марказий банк пул-кредит сиёсатининг асосий кўрсаткичлари ва инструментлари

#### 3.1-жадвал. Марказий банкнинг асосий фоиз ставкаси

**Асосий фоиз ставка** – тижорат банклари учун қарз олиш фоиз ставкасини ҳамда қарз олувчилар учун кредит харажатларини белгилаб берувчи фоиз ставкаси.

Асосий фоиз ставкаси ўзгариши банклараро пул бозоридаги фоиз ставкаларига таъсир кўрсатади.

#### 3.2-3.6-жадваллар. Мажбурий резервлар нормативлари

**Мажбурий резервлар** – тижорат банклари томонидан Марказий банкда алоҳида очилган ҳисобвараққа мажбурий тартибда миллий валюта ва чет эл валютасида депозитга ўтказилган пул маблағлари. Марказий банк тижорат банкининг резерв шакллантириладиган мажбуриятларига нисбатан фоиз миқдорини ўрнатади.

Мажбурий резервлар норматив миқдори резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ҳисоб-китоб давридаги ўртача миқдорига мажбурий резервлар нормативини кўпайтириш орқали ҳисобланади.

### 3.7-жадвал. Мажбурий резервлар қолдиғи

**Мажбурий резервлар қолдиғи** – тижорат банклари томонидан Марказий банкда алоҳида очилган ҳисобвараққа миллий ва чет эл валютасида ўтказилган мажбурий резервларнинг маълум бир сана ҳолатига қолдиқлари.

### 3.8-жадвал. Марказий банк томонидан муомалага чиқарилиб, тижорат банклари орасида жойлаштирилган облигациялар

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигациялари банк тизими ликвидлигини тартибга солиш ҳамда пул-кредит сиёсати фоиз инструментлари самарадорлигини ошириш мақсадида тижорат банклари орасида жойлаштирилади. Ушбу облигациялар “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши тартиби тўғрисида”ги (рўйхат рақами 3080, 2018 йил 25 октябрь) низомга кўра бир йилгача бўлган муддатларда чиқарилади.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги маълумот аукцион ўтказиладиган кундан камида бир иш куни олдин Марказий банкнинг расмий саҳифаларида эълон қилинади.

**Марказий банк облигациялари** – облигация эгасига белгиланган тартибда даромад олиш ҳуқуқини берувчи Марказий банк томонидан электрон шаклда чиқариладиган эмиссиявий қимматли қоғозлар.

**Купон даври** – облигация эгасига фоизли даромад тўлаб бериладиган, Марказий банк томонидан белгиланган давр.

**Савдо тизими** – облигациялар бўйича электрон савдоларни ташкиллаштириш, облигацияларни сақлаш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш, тузилган битимлар бўйича клиринг ва ҳисоб-китобларни амалга оширишни таъминловчи валюта биржасининг автоматлаштирилган электрон тизими.

**Дилер** – Марказий банк ҳамда валюта биржаси билан тузилган Бош битим асосида облигациялар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи тижорат банклари.

**Аукцион савдолари** – облигацияларни жойлаштириш бўйича Марказий банк томонидан тижорат банклари ўртасида амалга ошириладиган кимошди савдолари.

### 3.9-3.10-жадваллар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўтказилган депозит, валютавий своп, РЕПО аукционлари ҳамда овернайт депозит операциялари натижалари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан депозит аукционлари ва овернайт депозит операциялари “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги (рўйхат рақами 3079, 2018 йил 25 октябрь), РЕПО аукционлари “Ўзбекистон Республикасининг Давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисида”ги (рўйхат рақами 1829, 2008 йил 15 март) низомларга, валютавий своп аукционлари “Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидалари”га (рўйхат рақами 3281, 2020 йил 31 август) асосан ўтказилиб борилади.

Марказий банк томонидан амалга ошириладиган ушбу операциялар тижорат банкларига ликвидлик бериш ёки жалб қилиш мақсадида амалга оширилади.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги маълумот аукцион ўтказиладиган кундан камида бир иш куни олдин Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

**Депозит аукциони** – тижорат банкларининг пул маблағларини жалб қилиш бўйича Марказий банк томонидан тижорат банклари ўртасида амалга ошириладиган кимошди савдолари.

**РЕПО ва валютавий своп аукционлари** – Марказий банк томонидан банклараро пул бозоридаги фоиз ставкаларининг асосий ставка ёки фоиз коридоридан чекиниши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида тижорат банклари ўртасида ўтказиладиган кимошди савдоларидир.

**Аукцион муддати** – Марказий банк томонидан тижорат банкларидан аукцион орқали жалб қилинадиган депозитларнинг сақланиши белгиланган даври.

**Жалб қилинадиган маблағларнинг максимал миқдори** – депозит аукционда тижорат банкларидан жалб қилиниши мумкин бўлган маблағларнинг Марказий банк томонидан ўрнатилган максимал миқдори.

**Тақдим этиладиган маблағларнинг максимал миқдори** – валютавий своп ҳамда РЕПО аукционларида тижорат банкларига тақдим қилиниши мумкин бўлган маблағларнинг Марказий банк томонидан ўрнатилган максимал миқдори.

**Банклар томонидан таклиф этилган маблағлар миқдори** – аукционда тижорат банклари томонидан таклиф этилган маблағлар миқдори.

**Банклар томонидан таклиф этилган минимал фоиз ставкаси** – аукционда тижорат банклари томонидан таклиф этилган минимал фоиз ставкаси.

**Банклар томонидан таклиф этилган максимал фоиз ставкаси** – аукционда тижорат банклари томонидан таклиф этилган максимал фоиз ставкаси.

**Чегириниш ставкаси** – аукцион натижаларига кўра тижорат банкларининг қондириладиган рақобатли аризалари бўйича таклиф этилган депозит аукционлари учун максимал, РЕПО ҳамда валютавий своп аукционлари учун минимал фоиз ставкалари.

**Ўртача тортилган фоиз ставкаси** – аукцион якунлари бўйича тўлиқ ёки қисман қондириладиган рақобатли аризаларда кўрсатилган маблағлар миқдори ҳамда фоиз ставкаларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

**Жалб қилинган маблағлар миқдори** – депозит аукциони натижалари бўйича Марказий банк томонидан тижорат банкларидан депозитга жалб қилинган маблағларнинг жами миқдори.

**Тақдим этилган маблағлар миқдори** – РЕПО ва валютавий своп аукционлари натижалари бўйича Марказий банк томонидан тижорат банкларига тақдим этилган маблағларнинг жами миқдори.

**Овернайт депозит** – пул бозоридаги фоиз ставкаларининг кескин тебранишининг олдини олиш ҳамда тижорат банклари ликвидлигини Марказий банкка жалб қилиш мақсадида Марказий банк томонидан ўрнатилган фоиз корридорининг қуйи чегарасида ўтказиладиган ва муддати бир кундан иборат бўлган операциялар.

### 3.11-жадвал. Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан расмий алмашув курслари

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан расмий алмашув курслари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайтида (<http://www.cbu.uz>) ҳар куни жойлаштирилади. Алмашув курслари валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш мақсадида эълон қилинади.

АҚШ долларининг сўмга нисбатан алмашув курси ўртача тортилган кўрсаткич сифатида валюта биржасида кунлик шаклланган курслардан ҳамда ушбу курслар бўйича амалга оширилган операциялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Бошқа валюталарнинг алмашув курслари АҚШ долларини асосий валюта сифатида қабул қилган ҳолда кросс-курс асосида ҳисобланади. Бошқа хорижий давлатлар валюталарининг АҚШ долларига нисбатан курсларининг манбаси сифатида Thomson Reuters ахборот тизимидан фойдаланилади.

## IV бўлим. Молия бозори

### 4.1. Банклараро депозит операциялари

#### 4.1.1-жадвал. Миллий валютадаги банклараро депозитлар

Банклараро пул бозорида миллий валютада депозитларни жойлаштириш “Банклараро пул бозорида электрон савдо платформаси орқали операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга (рўйхат рақами 3010, 2018 йил 12 май) мувофиқ амалга оширилади.

Мазкур операциялар Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсати мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек тижорат банклари томонидан банкнинг ликвидлигини таъминлаш ёки пул маблағларини жойлаштириш орқали даромад олиш мақсадида амалга оширилади.

Банклараро пул бозорида депозитларнинг жалб қилиниши ва жойлаштирилиши ягона электрон савдо платформаси орқали амалга оширилади.

Ушбу жадвалда тижорат банклари томонидан банклараро пул бозорида жойлаштирилган маблағлар умумий миқдорининг динамикаси, улар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари ҳамда давр охирига депозитлар қолдиқлари келтирилган.

Банклараро депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси ҳисобот даврида ҳар бир жалб қилинган депозит суммасини унинг йиллик ҳисобдаги фоиз ставкасига кўпайтириш натижалари йиғиндисининг жами жалб қилинган депозитлар суммасига нисбати орқали аниқланади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$P_{AV} = \frac{\sum_{t=1}^n (V_t * P_t)}{\sum_{t=1}^n (V_t)},$$

Бу ерда:

$P_{AV}$  – ўртача тортилган фоиз ставкаси;

$V_t$  – t-депозит суммаси;

$P_t$  – t-депозит бўйича йиллик ҳисобдаги фоиз ставкаси.

## 4.2. Валюта бозори

### 4.2.1-жадвал. Ўзбекистон республика валюта биржасида чет эл валюталари савдолари ҳажми

Ўзбекистон республика валюта биржасида чет эл валютасини харид қилиш ва сотиш операциялари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 июлдаги 294-сонли қарори билан тасдиқланган “Биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон республика валюта биржаси савдоларида Марказий банк томонидан интервенция операциялари ҳам амалга оширилади.

Ушбу жадвалда тижорат банклари ҳамда Марказий банк томонидан валюта биржасида сотиб олинган ва сотилган чет эл валюталари миқдори динамикаси келтирилган.

Шунингдек, жадвалда биржа савдоларида шаклланган чет эл валютасининг миллий валютага нисбатан ўртача курслари келтирилган бўлиб, улар савдолар ўтказилган ҳар бир кундаги курслар йиғиндисининг савдолар ўтказилган кунлар сонига нисбати орқали аниқланган.

### 4.2.2-4.2.3-жадваллар

Ушбу жадвалларда тижорат банклари томонидан жисмоний шахслар, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлардан чет эл валютасини сотиб олиш ва уларга чет эл валютасини сотиш операциялари сони ҳамда умумий суммаси динамикаси, мазкур операцияларнинг гуруҳлаштирилган миқдорлари келтирилган.

### 4.2.4-жадвал. Тижорат банклари томонидан жисмоний шахслардан сотиб олинган ва уларга сотилган чет эл валютаси ҳажми (валюта турлари бўйича)

Ушбу жадвалда тижорат банклари томонидан жисмоний шахслар, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлардан чет эл валютасини сотиб олиш ва уларга чет эл валютасини сотиш операцияларининг умумий миқдори валюта турлари кесимида келтирилган.

## V бўлим. Кредит ташкилотлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

### 5.1. Умумий маълумот

